



**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ХОЛДА
БИРОВНИНГ МОЛ-МУЛКИНИ ЎҒИРЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАР
БЎЙИЧА ЖИНОЯТ ТУРЛАРИ ВА ТЕРГОВГА ҚАДАР
ТЕКШИРУВЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.**

ТОГАЕВ ШАХЗОД ШЕРЗОД УҒЛИ

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси
курсанти

E-mail: Shahzodasal2501@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада жамиятда юз бераётган ўзгаришлар, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ахборот технологияларидан фойдаланган холда бировнинг мол-мулкни ўғирлаш билан боғлиқ ишлар буйича жиноятлар, уларнинг тавсифи, содир этилиш усуллари ва ушбу жиноятлар буйича терговга қадар текширувнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида мақоламизда тўлиқроқ маълумот берилди.

Калит сўзлар: Киберхавфсизлик, мол-мулкни ўғирлаш, кибержиноятчилик, фирибгарлик, терговга қадар текширув, ўзига хос хусусият.

**Виды преступлений и особенности доследственной проверки по
делам связанным с хищением чужого имущества совершенные с
использованием Информационных технологий**

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлена более подробная информация об изменениях, происходящих в обществе, преступлениях, связанных с



хищением чьего-либо имущества с использованием информационных технологий в Республике Узбекистан сегодня, их описание, способы совершения, а также особенности расследования до расследования этих преступлений.

Ключевые слова. Кибербезопасность, дроп, киберпреступность, майнинг, фишинг, финансовое мошенничество, предотвращение, продвижение.

Жамиятнинг ривожига ёки таназзулида унда яшаётган хар бир одамнинг ўз хиссаси мавжуддир. Хозирга кунда фуқаролар томонидан қилинаётган яхши амаллар орқасидан олдинга қараб ривожланмоқдв. Аммо, шундай ҳолатлар ҳам учраб турадики, осон пул топишда қабилқ йуллардан ҳам тарт тортмайдиганлар ҳам топилади. Ушбу шахсларни эса давлатнинг мажбурлов кучи билан тартибга солинади.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бировнинг мол-мулкани ўғирлаш билан боғлиқ жиноятлар сони ҳам кўпаймоқда. Улар асосан жиноят содир этиш қуроли ахборот технологияларидан кенг фойдаланишадилар ва масофадан туриб кибермаконда содир этилади. Кибермакон тушунчаси тўғрисида бир қанча тушунчалар бериб ўтилган бўлиб, уларни кўриб ўтамиз: Кибермакон ҳақида¹. Комп'ютер тармоқлари орқали амалга ошириладиган мулоқот майдонини ифодаловчи воқелик сифатида 1990 йилдан бошлаб кенг миқёсида ривожланиб, такомиллашиб келмоқда. Кибермакон тушунчасини дастлаб канадалик ёзувчи Уильям Гибсон 1982 йил «Сожжение Хром» («Бурнинг Chrome») номли ҳикоясида ёзади. Ўзбекистон Республикаси «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги қонунинг 3-моддасида қуйидагиша таъриф берилган. Кибермакон – ахборот технологиялар ёрдамида яратилган вертуал

¹ https://mbaza.uz/anywork/kibermakon-haqida/#google_vignette



муҳит. Кибермаконда содир этиладиган жиноятларнинг hozirга кунда турлари жудаям кўпайган бўлиб, уларнинг баъзилари билан танишиб чиқашимиздан олдин кибержиноят тушунчасига тариф бериш мақсадга мувофиқдир:

- **Кибержиноят** – компьютер ва тармоқнинг биргаликдаги алоқаси остида содир этилувчи жиноят тури. Компютер жиноят пайтида мақсадли юналтирилган қурол вазифасини бажариб беради. Кибержиноят кимнингдир хавфсизлиги ва молиявий савиясига зарар етказиш мақсадида қилинади. Махфий маълумотлар қонуний тарзда ҳимояланган ҳолатда юз беривчи кибержиноятлар билан боғлиқ. Кўпгина жиноятлар мавжуд. Халқаро миқёсда ҳукумат ҳам, нодавлат субъектлар ҳам кибержиноятлар, жумладан, жосуслик, молиявий ўғирлик ва бошқа трансчгаравий жиноятлар билан шуғилланади. Халқаро чегараларни кесиб ўтувчи ва камида битта миллий давлатнинг хатти-ҳаракатларини ўз ичига олган кибержиноятлар баъзан киберуруш деб аталади. Уоррен Баффет кибержиноятни², “инсониятнинг биринчи рақамли муаммоси деб таърифлайди” ва “инсоният учун реал хавф туғдиради”³, дейя қўшимча қилади. 2014 йилда чоп этилган ҳисоботда (McAfee ҳомийлигида) жаҳон иқтисодиётига етказилган йиллик зарар 445 миллиард долларни ташкил қилган⁴. Сйберсесуритй Вентурес томонидан 2016 йилги ҳисоботда кибержиноятлар натижасида етказилган глобал зарарлар 2021 йилга келиб йилига 6 триллион долларгача, 2025 йилга келиб эса 10,5 триллион долларгача кўтарилиши башорат қилинган эди

² <https://www.businessinsider.in/buffett-this-is-the-number-one-problem-with-mankind/articleshow/58555300.cms>

³ <https://finance.yahoo.com/news/warren-buffett-cyber-attacks-1314450>

⁴ <https://www.reuters.com/article/us-cybersecurity-mcafee-csis-idUSKBN0EK0SV20140609>



Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ахборот технологияларидан фойдаланган холда бировнинг мол-мулкини ўғирлаш жинояти ёки кибержиноятлар турларини кўриб чиқишимиз мумкин. Улар қуйидагилардан иборат:

- Соҳта хавола (ссылка)
- Трейдер
- Интернет онлайн савдосида алданиш
- банк ёки тўлов тизими ходими
- махфий код рақамини алдов йўли билан эгаллаш
- Ижара
- телефон аппаратга аванс пулини тўлаб алданиш
- ЙТХ ҳақида алдов
- Ишга жойлаштириш
- Хайдовчилик гувоҳномаси
- Йўқотилган пластикдан пул ўғирлани ва бошқа турларидан иборат.

Ушбу турдаги ахборот технологиялар соҳасида содир этилаётган кибер жиноятларнинг содир этилишининг бир канча сабаблари бўлиб, **биринчидан** фуқароларнинг ишни ижтимоий тармоқларда онлайн осонгина пул топиш, машаққатли ишлардан қошиши, **иккинчидан** фуқароларнинг етарли даражада саводли эмаслиги ва ўзи тушинмаган норасмий сайтларга ҳам шахсий маълумотлари ва банк пластик карталарини киритиши, **учинчидан** ижтимоий тармоқларда умуман олди сотди ишларида кўрмаган инсонлар билан савдо-сотик мшларини олиб бориши, **туртинчидан** “Клик” ходими деб таништирган ҳолатларда фуқароларнинг масалани тулиқ тушинмасдан кодни сўраганда айтишлари, **бешинчидан** телеграмдаги норасмий каналлардан олинган иловаларни шахсий телефон аппаратларига ўрнатишлари, зарарланган дастурлар бўлиши мумкинлиги, **олтинчидан** интернет тармоғида тарқалаётган муҳтож ва кам таъминланган ойлаларга пул берилиши



юзасидан жойлаштирилган ссилкаларга кириб, фуқароларнинг шахсий маълумотлари ва банк пластик карталарини киритиши ва шу каби бошқа сабабларни келтириб ўтишимиз мумкин. Ушбу сабабларни бартараф этиш юзасидан бир канча тарғибот ышвиқот ишлври олиб борилишига қарамасдан, фуқароларнинг лоқайдлиги сабабли кибержиноятчиларнинг осонгина тузоғига тушиб қолмақдалар⁵

Ахборот технолонгиялардан фойдаланган холда бировнинг мол-мулкини ўғирлаш жиноятлари буйича терговга қадар текширувни олиб бориш бошқа турдаги жиноятларни терговга қадар текширув олиб боришидан тубдан фарқ қилади. Асосий сабаби маконда содир этилмайди ёки аниқ содир этилиш жойи йуқлигидадир ёхуд кибермаконда содир этилишидир. Ушбу турдаги жиноятларни терговга қадар текширув олиб боришда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси⁶ талабларига роя қилган холда аризачининг яшаш жойи қаердалигига асосий этибор берилади. Жабрланувчидан мурожаати юзасидан хужжатларни тўплаш жараёнида фуқаронинг уяли алоқа воситаси қонуний тартибта текширилади. Пул маблағларининг ечиб олиниш сабаблари ўрганилади. Биринчи навбатда уяли алоқа воситаси текширилганда, банк дастурларида хавфсизлик режимида бошқа нотаниш активний сеанслар бор ёки йуқлигига этибор қаратилади. Бундан ташқари фуқаронинг банк пластик картасидан пул ечиб олиниши холатида кимнинг хисоб рақамига келиб тушганлигига аниқлик киритиш мақсадида тегишли ташкилотларга қонунчиликда белгиланган тартибда хужжатлар расмийлаштирилиб, хужжатлар жўнатилади. Ахборот технологияларидан фойдаланган холда бировнинг мол-мулкини ўғирлаш каби жиноятларда терговга қадар текширув олиб боришда ўзига хос томони

⁵ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ахборот технологиялар соҳасида содир этилаётган кибержиноят турлари Латибоев Шахзодбек Икром Ўғли

⁶ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ



яъна биттаси банк ташкилотлари билан ёқиндан ҳамкорлик олиб борилишидир.

Ахборот технологиялар соҳасида содир этилаётган жиноятларнинг содир этилиш усули ва тури кундан кунга ўзгариб, такомиллашиб борганлиги сабабли, терговга қалар текширув ишлари ҳам кундан кунга ўзгариб такомиллашиб боради.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. https://mbaza.uz/anywork/kibermakon-haqida/#google_vignette
2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ
3. <https://zenodo.org/record/8044925>
4. <https://cyberleninka.ru/article/n/bank-kartalaridan-foydalanish-bilan-bog-liq-firibgarlik-jinoyatlarining-kriminalistik-tavsifi>
5. <https://lex.uz/docs/-5841063>
6. Исақова Мухлиса Фахриддин қизи “Кибержиноятлар” мақоласи <https://cyberleninka.ru/article/n/kiber-jinoyatlar/viewer>
7. “ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ахборот технологиялар соҳасида содир этилаётган кибержиноят турлари Латибоев Шахзодбек Иқром Ўғли
8. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Profilaktika>
9. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 14.05.2014 йилдаги ЎРҚ-371-сон
- 10.5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -Т 2021
- 11.6. Ўзбекистон Республикасининг Ма’мурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021.



- 12.7. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ўқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.
- 13.8. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни.
- 14.9. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ўқуқбузарликлар стратегияси” тўғрисида”ги 4947-сонли фармони.